



## Европа ва Ўзбекистон композиторлари ижодида увертюра

**Шавкатова Мухлиса Шавкатовна**

В.Успенский номидаги Республика

ихтисослаштирилган мусиқа мактабида

“Мусиқа адабиёти” бўлими ўқитувчиси

**Аннотация:** Увертюра – мусиқий асарларга кириш қисми сифатида хизмат қиладиган, оркестр учун чолғулаштирилган пьеса. Увертюра балет, опера, кинофильм, хор чиқишлар, драматик театр асарларини, чолғу композиция ва бошқа асарларни очиб бериши мумкин. Увертюра атамаси французча **ouverture** сўзидан олинган бўлиб, очилиш, кириш маъноларини билдиради. Бундан ташқари, увертюра мустақил асар сифатида ҳам келиши мумкин.

**Калит сўзлар:** увертюра, оркестр, опера, балет, мусиқа.

**Аннотация:** Увертюра — музыкальное произведение для оркестра, служащее вступлением к музыкальному произведению. Увертюра может открывать балет, оперу, фильм, хоровое представление, драматическое театральное произведение, инструментальное сочинение и другие произведения. Термин «увертюра» происходит от французского слова *ouverture*, что означает открытие, вступление. Кроме того, увертюра может выступать и как самостоятельное произведение.

**Ключевые слова:** увертюра, оркестр, опера, балет, музыка.



**Abstract:** An overture is a piece of music scored for orchestra that serves as an introduction to a musical work. An overture can open a ballet, opera, film, choral performance, dramatic theater work, instrumental composition, and other works. The term **overture** comes from the French word *ouverture*, which means opening, entrance. In addition, an overture can appear as a standalone work.

**Key words:** overture, orchestra, opera, ballet, music.

XVI-XVII asrlar oxirlariga kelib, Evropa musiqasida polifoniyadan voz kechish bilan bir qatorда, musiqada tonal, melodik va cholg'u borasida yangicha fikrlash tamoyillarini qullash tendentsiyasi yuzaga kela boshladi.

Mustaqil musiqiy shakl sifatida uvertюра ilk marotaba Жан-Батист Люли asarlarida pайдо бўлди. Унинг бу asari француз aholisiga бағишланган эди. У уvertюра дея аталган ва 1640-йилларда француз балетларида ишлатилган икки қисмли шаклни ривожлантирди.

Италияда турли шакллар 1680-йилларда uvertюра деб аталиб, А.Скарлатти операларида мустақамланади. Италиян uvertюралари оддий уч қисмли шаклда бўлган. Биринчи қисм, асосан, тез, иккинчи қисм эса секин ва қисқа, учинчи қисм рақссимон, яъни жига ритмида ёки менуэт шаклида бўлган ва асосий мавзуга кайтган.

XVIII asr boshlariga kelib, italyan opera uvertюраси бутун Европада тарқалди. Французча услубни сиқиб чиқарди. Кейинчалик uvertюранинг биринчи қисми соната шаклида тантанавор фанфарага ўхшаш, секин қисми янада кенгайтирилган ва лирик куйчан бўлган. Италиян uvertюралари кўпинча ўз операларидан aloҳида ва мустақил asar sifatida чалинади, шу нуқтаи назардан, улар симфония жанрининг ривожланиш тарихида муҳим унсур бўлиб қолди.

XVIII asrning ikkinchi yarmiga kelib, kompozitorlar uvertюradan операнинг mazmunini ochib beruvchi prolog sifatida fойдаланишди. Кристоф



Виллибальд Глюк “Альцеста” операсининг муқаддимасига операнинг мазмунини илк бора очиб беришдек вазифани юклаш билан бирга, унинг муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатди. В.Моцартнинг “Сеҳрли флейта” асарига мансуб увертюра 19-асрда юзага келган увертюраларнинг кўринишини ифода этадики, кейинчалик Дж.Россини ушбу шаклни ўз операларида қўллаган.

### **Концерт увертюраси**

XVIII асрнинг охирларига келиб, опера увертюраси алоҳида асар сифатида концерт залларида ижро этилаётган бўлса ҳам, хусусан, концерт учун ёзилган увертюра ва баъзи бадий мавзуларга асос бўлиб, романтик даврда пайдо бўла бошлади.

Л.Бетховен увертюраси мустақил инструментал дастурий жанр булиб, симфоник поэма жанрига асос солди. Айниқса, И.В. Гётенинг “Эгмонт” (1810) драмасига ёзилган увертюра тугалланган, ривожланган муסיқий драманинг бойитилган ва фаол фикри симфониядан қолишмайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, концерт увертюрасини симфоник поэмалар сиқиб чиқарила бошлади, қайсики, Ф.Лист ишлаб чиққан формада.

Бу икки жанр орасида эркин муסיқий шакл ташқи дастурий мажбуриятлардан озод эди. Симфоник поэма баъзи бир илғор композиторлар учун Р.Штраус, С.Франк, А.Скрябин, А.Шенберглар учун муҳим ҳисобланди. Бу вақтда консерватив композиторлар А.Рубинштейн, П.И.Чайковский, М.А.Балакирев, И.Брамс увертюрага содиқ қолишди. Симфоник поэма машҳур бўлган даврда М.А.Балакирев “Уч рус кўшиғи мавзусида увертюра” (1858), И.Брамс “Академ фестивали” ва “Фожиали” увертюра (1870), П.Чайковский эса “Ромео ва Жульетта”, Тантанавор увертюра “1812” (1882) асарларини ёзди.

### **“Ромео ва Жульетта” увертюра фантазияси**

“Ромео ва Жульетта” увертюра фантазияси дунё классик муסיқасининг долзарб асарларидан бири ҳисобланади. Чайковский учун бу - муסיқа оламидаги дастурий симфонизмининг биринчи йирик ютуғидир. Композиторнинг кейинги



етук ижодига “Ромео ва Жульетта” асаридаги кўпгина тамойиллар таъсир кўрсатган.

1869 йилга келиб, увертюранинг биринчи таҳрири чоп этилган, сўнг композитор томонидан икки мартаба қайта ишланган (1870 ва 1880 йилларда). 1880 йилда П.Чайковский ушбу сюжетга асосланиб опера ярата бошлайди, бироқ, у увертюра-фантазия муסיқасига асос бўлган асар қаҳрамонларининг сўнгги учрашув сахнасинигина ёзади.

В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” трагедиясига симфония ёзиш ғоясини П.Чайковскийга Балакирев берган. Балакирев ушбу вақтгача “Қирол Лир” асарига муסיқа яратиб, Шекспир ижодиётини рус симфоник муסיқасига киритган. Ушбу асарини Балакирев Чайковскийга бағишлаган. XIX асрнинг ўрталарига келиб уйғониш асрининг намоёндаси – буюк инглиз драматургининг ижоди рус маданиятининг илғор намоёндалари орасида катта қизиқиш уйғотди. Шекспир асарларидаги инсонпарварлик, қарама-қарши кучлар, инсон шахсига уйғунлик хусусиятлари рус халқининг илғор рассомларига образ жихатидан жуда яқин бўлган. Шекспирнинг асарларига Чайковский бир неча бор мурожаат қилган. “Ромео ва Жульетта” увертюра-фантазияси бадий жихатдан анча етук ва Шекспир ижодининг характериға яқин. У Шекспирнинг анча аввал ёзилган трагедияларининг сюжетларига асосланиб яратилган, унинг асосини қадимий италян севги афсонаси, икки ёш қаҳрамоннинг садоқати, уларнинг авлодларга кўчувчи душманлиги ва нафрати, бир-бирини кўра олмаслиги натижасида фожиали тарзда қурбон бўлиши кўрсатилган.

Чайковскийнинг увертюра-фантазияси асар ғоясининг умумлашганлигининг ёрқин мисолидир. Композитор ўз муסיқасида Шекспир образларига хос бўлган гўзаллик ва инсон туйғуларидаги ишончни кўрсатади, шоир билан бирга жоҳилликка қатъий қарши туради, қарама-қаршиликлар, жамоа фикрлари ва қаҳрамонларни ўраб олган қийинчиликларни кўрсатган.



Трагедиянинг асосий ғоясини композитор қарама-қарши ва турли характердаги муסיқий мавзуларни солиштириш орқали кўрсатиб берди. Композитор ўз асарининг драматик ғоя талабларига жавоб бериши учун соната шаклининг кенгайтирилган кириш қисми ва айланмали кода-эпилогдан фойдаланган. Трагедиянинг алохида образлари ва сахналари муסיқий матннинг пайдо бўлишига хизмат қилди. Бироқ, матнларнинг ҳар бири (айниқса, кириш қисми) ривожланиш жараёнида турли образларда турланади. Фақатгина ҳамма матннинг ўзаро таъсирида асарнинг умумий ғояси кўринади.

Асосий партия кенгайтирилиб берилган, уч қисмли тузилишига эга, бу Чайковскийнинг кўпгина симфоник асарларидаги асосий партияларга хос. Бу муסיқада эркинлик, қатъийлик, интилиш ва ўзининг фикрича эгалик, ғазабкор, захархандалик чизгилари билан кўрсатилади. Балакирев Чайковскийга программани таклиф қилаётганида, ўз таклифида увертюра “вахший аллегродаги болта зарбалари” бошланишини айтган эди. Бу мавзунинг туғилишида Чайковскийга асосий туртки бўлиб, кураш образлари, тортишувлар сабаб бўлган.

Бунинг баёнидан кейин қисқа (юқоридаги ритмда кўрсатилган қайтарилувчи мотивда) умуман ўзга характерли ёрдамчи партияга, Ромео ва Жульетта севгисининг юксак ҳиссиётларини қамраб олганини кўрсатади.

Бутун кода-эпилог, ёшгина Ромео ва Джульеттан ўлимининг чуқур қайғусини англатади. Шу билан бир вақтда бу инсоннинг буюк ғояларининг, маънавиятининг, қалб гўзаллигининг ёрқин ифодаловчидир.

\* \* \*

Маълумки увертюра муסיқанинг фаол амал қилувчи характерини белгилайди. Балки шунинг учун республика композиторлари томонидан увертюрада замонавий мавзуларни ёритиш, ҳаётни белгиловчи кайфият бериш,



эркинлик босимини ва мақсадга интилувчанликни кўрсатиш учун фойдаланилади. Мисол учун А. Берлиннинг “Молодёжная”, “Праздничная”, “Радостный праздник”, увертюраларига кучли профессионал ёндашилган, А.Малаховнинг “Колхозная увертюра”сида эса муаллиф асл ўзбек халқ кўшиқларига мурожаат қилади.

Ўзбек халқ куйининг ёрқин намуналаридан бири Г.Қодировнинг (1954) “Молодежная увертюра” асари республиканинг 30-йиллигига бағишланган. Шакл жihatдан ихчам, оддий ва унча катта бўлмаган (соната шаклидаги ривожлов ўрнига эпизод қўлланилган) шаклдир, у ёрқин мавзуийликка, қувонч ва ёшлик нафосатига эга. Республиканинг 40-йиллигига М.Ашрафий (1964) “Тантанали увертюра” ёзади. Ушбу асар ёрқин бўёқларга бой бўлиб, рельефли мавзуийликка, силлиқ миллий характердаги рақсона усулларга эгадир.

С.Юдаковнинг (1949 й) “Тантанавор увертюра”сини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тантанавор қувончли кайфият кириш қисмининг бошидаёқ намоён бўлади. У ерда усул алоҳида аҳамиятга эга. Яккахон овоздаги ритмик суръатларни ва жўрнавонни мос келиши – ўзбек анъанавий мусиқасида ўзига хос торли чолғулардаги бас ва литавра дуэтини ҳосил қилади. Фондаги остинатали полеритмия биринчи қисмда давомийлигини сақлаб қолади (увертюра мураккаб уч қисмли шаклда ёзилган). Унда энергияли ва кучли мавзу ҳосил бўлади. У бироз оммавий назокатга эга ва шу сабабли унинг рақсонали хусусияти кўтаринки кайфият бағишлайди. Бунга ёғоч дамли чолғулардаги маршона контрапунктланувчи куй сабаб бўлади.

Асосий мавзу ўзига иккита бир-бирини тўлдирувчи тузилмани қамраб олади: бошидаги саккиз тактли симметрия эга, аниқ бўлинган, синкопалашган оханг ҳамда тўрт тактли сокин куй, бир текис усул. У ўзининг интонацион табиати жихатидан Чайковскийнинг иккинчи симфониясида ишлатилган “Лайлак” украин халқ кўшиғига яқин.



Allegro con tuoco

Увертюранинг биринчи қисмидаги тузилмаларда ўрта қисми ривожланувчи турдаги уч қисмли шакл элементларини кўриш мумкин. Унинг тузилишидаги хилма-хиллик интонацион материалнинг яхлитлиги, узлуксизлигини таъминлайди. Ушбу ҳолатда янги маршона характердаги оралик мавзуси ҳосил бўлади.

Увертюранинг ўрта қисми анчайин ёрқин контрастга эга. унинг асосида унча катта бўлмаган турли бўёқларга бой мавзу вариацияланади (ўлчови 5/8, хореик яқуннинг кучсизлиги), сокин, аста ҳаракатланувчи куй хорғин кайфиятни беради. Мавзу лад-гармоник воситаларнинг вариациялашуви асосида ривожлантирилади. Диатоник поғоналардаги пасайтирувчи альтерациялар ички тонал оғишмаларга олиб келади, мажор-минор бўёқлари, тоналликларнинг секунда-терцияли таққосламалари – образнинг янада мазмунли бўлишига хизмат қилади.

Репризадаги биринчи қисмнинг мавзуйлик материални синтезлашуви натижасида янги мавзу ҳосил бўлади. У саккиз тактли, аста-секин ҳаракатланувчи бўлиб, ниҳоят ўрта қисмнинг пунктир усулдаги маршсимон мавзусига кўчади. Торли чолғулар ва ёғоч дамли чолғулар фони асосида янговчи валторналар ва трубалардаги мавзу репризада ғалаба ва қахрамонлик образларини кўрсатади.



Тингловчиларнинг муסיқий дидини шакллантириш, ўзбек муסיқасининг ўрнини жаҳон сахналарига чиқариш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Маълумки, муסיқий асарлар бирор бир сюжетга асосланиб, дастурли кўринишда яратилиши мумкин. Шунингдек, абстракт воқеалар асосидаги муסיқий асарлар ҳам жуда кўп учрайди. Инсон китоб мутолаа қилганида, фильм томоша қилганида сценарийнинг мазмун-моҳиятини ҳис қила олиши жуда муҳим. Муסיқий асарни тинглаганимизда ҳам худди шундай тасаввур пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, жаҳон классик ёзувчилари орасида катта шуҳрат қозонган драматург У.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, “Гамлет”, “Қирол Лир”, “Отелло”, А.Пушкиннинг “Евгений Онегин”, А.Навоийнинг “Тоҳир ва Зухра” ва кўплаб бошқа асарларига фильмлар суръатга олинган, театр сахналарида ижро этилган, кўплаб композиторлар томонидан турли жанрдаги муסיқий асарлар яратилган (опера, балет, симфоник асарлар ва ҳ.к).

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бегматов С. ва бошқалар. Муסיқа маданияти: 6-синф учун дарслик. - Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001й.
2. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984й.
3. Головянц Т.А Камерно инструментальная ансамблевая музыка Узбекистане – Тошкент, 1990й.
4. Н.С.Янов-Яновская – узбекская симфоническая музыка. Тошкент, 1979й.
5. Муסיқий энциклопедия. Тошкент, 1983й.